

## Жамоатчилик кенгашининг хулосаси

1. Мазкур Хулоса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ ва божхона имтиёзлари ва субсидиялар бериш тартибини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони лойиҳасига қуйидаги қоидаларни киритиш тўғрисидаги таклиф юзасидан тайёрланди:

“2023 йил 1 январдан бошлаб 100.0 млн сўм ва ундан ортиқ суммада товар-моддий қимматликлар қолдиқларига эга бўлган солиқ тўловчилар товар-моддий қимматликларни ялпи инвентарлашдан ўтказишлари ва инвентарлаш тўғрисидаги далолатномани шахсий кабинетлар орқали 2023 йилнинг 15 февралига қадар жўнатишлари керак;

ҚҚС ставкаси ёки солиқ солиш режими ўзгарганда, имтиёз берилганда (бекор қилинганда) инвентарлаш тўғрисидаги далолатнома давлат солиқ хизмати органларига кейинги ойнинг 15 санасига қадар тақдим этилади.”

2. Инвентарлашни ўтказиш ва маълумотни солиқ хизматларига тақдим этиш тўғрисидаги талабнинг мақсади – инсофсиз солиқ тўловчиларнинг суиистеъмолчилик қилишларини бартараф этиш, улар, шу жумладан, 2023 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС ставкасининг 15 %дан 12 %гача пасайтирилишидан фойдаланишлари мумкин. Эҳтимолий суиистеъмолчиликнинг моҳияти – 2022 йилнинг декабрь ойида ҳақиқатда 15% ҚҚС билан олинган нақд тушумни 2023 йилнинг январь-февраль ойларига 12 % билан ўтказиш. Шу тариқа, бюджет 2022 йилнинг декабрь ойи тушумидан олиши керак бўлган 3 % ҚҚСни тўлиқ олмайди.

3. Барча солиқ тўловчилар томонидан 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига инвентарлашдан ўтказиш талабини ортиқча, деб ҳисоблаймиз. У қуйидаги сабабларга кўра баён этилган суиистеъмолчиликка қарши курашиш мақсадларини таъминламайди:

а) йирик солиқ тўловчилар 2022 йилнинг декабрь ойида кўрсатмасдан, 2023 йилга ўтказишлари мумкин бўлган нақд тушумга деярли эга эмаслар. Обрўга путур етиши хавфини ҳисобга олган ҳода, йирик солиқ тўловчилар томонидан тушумни январга ўтказиш йўли билан суиистеъмолчилик эҳтимоли кам.

б) нақд тушумга, аввало савдода нақд тушумга эга кичик тадбиркорлик субъектларида суиистеъмолчилик эҳтимоли мавжуд. Бунда ушбу тушумнинг жиддий қисми яширин ҳисобланади ва шу боис ундан на 15%, на 12% ҚҚС тўланмайди. Бундай ташкилотлар томонидан товарлар қолдиқлари тўғрисида маълумотнинг тақдим этилиши муаммони ҳал қилиш имконини бермайди, сабаби энг яхши ҳолатда бу товар айланмасининг “оқ” қисми бўйича бухгалтерлик дастуридан маълумотлар бўлади.

в) қўйилган мақсадларни таъминламаган ҳолда, мажбурий инвентарлаш талаби бизнеснинг солиқ мажбуриятларини бажариш учун харажатларининг ўсишига ва солиқ хизмати органларига нисбатан салбий баҳолар сонининг ошишига кўмаклашади.

г) солиқ органлари минглаб корхоналар бўйича маълумотлар оладилар, уларни таҳлил қилиш ва текшириш ҳолатида бўлмайдилар. Натижада, бизнес ва солиқ органларининг махсус текширишга жами харажатлари аниқланган тушумни ўтказиш ҳолатлари ва 3% ҚҚС тўлиқ келиб тушмаганига қараганда кўпроқ бўлади.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари маслаҳатлашувлар ўтказдилар ва 12 % ҚҚС ставкасига ўтишда суиистеъмолчиликни энг кам даражага тушириш бўйича қўйилган мақсадлар позициясидан уларнинг самарадорлигини баҳолаган ҳолда, жадвалда муаммони ҳал қилишнинг мавжуд вариантларининг таърифини берадилар

**Нақд тушумни 2022 йилнинг декабрь ойдан 2023 йилнинг январь-февраль ойларига ўтказишни қандай энг кам даражага тушириш керак**

	Таклиф қилинаётган чоралар	Ижобий натижалар	Салбий натижалар	Қўллаш бўйича тавсиялар
1.	2023 йил 1 январь ҳолатига товарлар	Мавжуд эмас	– солиқ органлари томонидан ҳаққоний бўлмаган маълумотнинг олиними,	Ушбу чорани ҳатто ТМЗ қолдиқлари

	қолдиқлари тўғрисида маълумот тақдим этиш тўғрисидаги нормани белгилаш (улар камида 100 млн сўм миқдорида мавжуд бўлган тақдирда)		уларни текшириш ҳолатида бўлмайдилар; – бизнеснинг солиқ мажбуриятларини бажаришга харажатларининг ўсиши; – солиқ тўловчиларнинг солиқ органларига ишончсизлигининг ошиши	чегарасининг ошиши ва солиқ тўловчилар тоифасининг қисқариши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда ҳам <b>қўлلامаслик</b>
2.	2023 йилдан бошлаб 12% ҚҚСни нафақат реализация қилиш бўйича айланмага, балки ҳисобга олишга ҳам белгилаш. Солиқ кодексининг 269-моддасига 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига балансда мавжуд бўлган ТМҚ, АВ ва НМА қолдиқлари қийматига ҚҚСга 3%га тузатиш киритиш тўғрисидаги нормани киритиш.	Суиистеъмолчиликнинг 100% имконияти мавжуд эмас  Давлат бюджети - ___ трлн сўм ютади	Солиқ тўловчилар ҳисобга олишлари мумкин бўлмаган 3% ҚҚС таннархни оширади ва нархнинг ўсишига ва инфляциянинг янги босқичига олиб келади;  Фойдаланилаётган кўп АВ ва НМАлар 20% ставка бўйича ёки ҚҚСсиз сотиб олинганлигини ҳисобга олган ҳолда, юқори капиталлашувга эга бизнес учун харажатларнинг сезиларли даражада ошиши;  фойданинг ___трлн сўмга пасайиши;  солиқ тўловчиларнинг солиқ тизимига ишончсизлигининг ошиши	<b>Ушбу чорани қўлلامаслик</b>

	<b>Таклиф қилинаётган чоралар</b>	<b>Ижобий натижалар</b>	<b>Салбий натижалар</b>	<b>Қўллаш бўйича тавсиялар</b>
3.	<p>Тушумни 2022 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида <b>сунъий равишда камайтириб кўрсатган</b> (инфляцияни ҳисобга олган ҳолда) ва уни 2023 йилнинг январь-февраль ойларига ўтказган солиқ тўловчиларни аниқлаш мақсадида таҳлика-таҳлил тизимидан фойдаланиш.</p> <p>Солиқ тўловчиларни сегментлаш ва ушбу солиқ даврида юқори ликвидли, шу жумладан импорт қилинган товарларни реализация қилиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, лекин уларни кейинги солиқ даврида реализация қилишни расмийлаштиришнинг потенциал қобилятига эга бўлганларнинг</p>	<p>Суиистеъмолчиликлар сонини камайтириш</p> <p>Инсофли солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини бажариш учун харажатларини оширмаслик</p> <p>Қўшимча ҳисоблашларнинг юқори эҳтимолига эга солиқ тўловчиларни аниқ текшириш ҳисобига тушумларнинг ўсиши</p> <p>Солиқ органларининг айнан инсофсиз тадбиркорлик</p>	<p>Суиистемолчиликларни 100% истисно қилиш имкониятининг мавжуд эмаслиги, сабаби ҳар қандай иқтисодиётда каби, яширин иқтисодиёт сезиларли улушга эга бўлади. Муаммо комплекс ҳисобланади ва фақат ҚҚС доирадан ташқарига чиқади, умуман тушумнинг тўлиқлигини аниқлашга киради.</p>	<p><b>Қўллаш учун тавсия қилинади.</b></p> <p>2022 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида тушумнинг сунъий равишда камайтириб кўрсатилишини аниқлаш кўйидагиларни солиштиришга асосланиши мумкин:</p> <p>а) ҳар бир корхона бўйича тушумни 2019, 2020 ва 2021 йиллардаги шунга ўхшаш даврлар кўрсаткичлари билан инфляцияни ҳисобга олган ҳолда;</p> <p>б) 2022 йилнинг 4</p>

<p>рўйхатларини шакллантириш.</p> <p>2022 йил декабрда солиқ тўловчиларни СШК орқали тушумни сунъий равишда камайтириб кўрсатишга йўл қўймаслик, ҳуқуқбузарликларнинг солиқ аудити ўтказилган ҳолда таҳлика-таҳлил асосида аниқланиши тўғрисида хабардор қилиш.</p>	<p>субъектларини аниқлашга йўналтирилган қарорларига солиқ тўловчиларнинг ижобий муносабатларини ошириш.</p>		<p>чорагида тушумнинг ойма-ой ўсишини олдинги 3 йилдаги шунга ўхшаш кўрсаткичлар билан.</p> <p>Декабрь ойидаги тушум даражасининг паст даражаси ва бир вақтнинг ўзида товар қолдиқларининг ўсиши назорат қилувчи органлар учун суиистеъмолчилик эҳтимоли тўғрисида ишора ҳисобланади ва солиқ аудитини тайинлаш учун асос бўлиши мумкин.</p>
---	--	--	--